

510 - وَعَنْ حَالِدٍ بْنِ عُمَرَ الْعَدَوِيِّ قَالَ: حَطَبَنَا عُتْبَةُ بْنُ غَزْوَانَ - هُكَانَ أَمِيرًا عَلَى الْبَصْرَةِ - فَحَمِدَ اللَّهُ تَعَالَى وَأَشْتَهَى عَلَيْهِ، ثُمَّ قَالَ: أَمَا بَعْدُ: إِنَّ الدُّنْيَا قَدْ آذَنَتْ بِصُرُّمْ، وَوَلَّتْ حَدَّاءَ، وَمَمْ يَبْقَى مِنْهَا إِلَّا صُبَابَةُ كَصُبَابَةِ الْإِنَاءِ يَتَصَابَّحُوا صَاحِبُهَا، وَإِنَّكُمْ مُنْتَقِلُونَ مِنْهَا إِلَى دَارِ لَا زَوَالَ لَهَا، فَانْتَقِلُوا بِخَيْرٍ مَا بِحَضْرَتِكُمْ؛ فَإِنَّهُ قَدْ دُكِرَ لَنَا أَنَّ الْحَجَرَ يُلْقَى مِنْ شَفِيرِ جَهَنَّمَ فِيهِوْيِ فِيهَا سَبْعِينَ عَامًا لَا يُدْرِكُ لَهَا قَعْرًا، وَاللَّهُ لَتُمْلَأَنَّ، أَفَعَجِبُوكُمْ؟! وَلَقَدْ دُكِرَ لَنَا أَنَّ مَا بَيْنَ مِصْرَاعَيْنِ مِنْ مَصَارِيعِ الْجَنَّةِ مَسِيرَةً أَرْبَعِينَ عَامًا، وَلَيَأْتِنَّ عَلَيْهَا يَوْمٌ وَهُوَ كَظِيفٌ مِنَ الزِّحَامِ، وَلَقَدْ رَأَيْتُنِي سَابِعَ سَبْعَةٍ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، مَا لَنَا طَعَامٌ إِلَّا وَرَقُ الشَّجَرِ، حَتَّىٰ قَرَحْتُ أَشْدَاقَنَا، فَالْتَّقَطْتُ بُرْدَةً فَشَقَقْتُهَا بَيْنِ وَبَيْنِ سَعْدِ بْنِ مَالِكٍ، فَاتَّرَرْتُ بِنِصْفِهَا، وَاتَّرَرْ سَعْدٌ بِنِصْفِهَا، فَمَا أَصْبَحَ الْيَوْمَ مِنَّا أَحَدٌ إِلَّا أَصْبَحَ أَمِيرًا أَيْمَنِي مِصْرٌ مِنَ الْأَمْصَارِ، وَإِنِّي أَعُوذُ بِاللَّهِ أَنْ أَكُونَ فِي نُفُسي عَظِيمًا، وَعِنْدَ اللَّهِ صَغِيرًا。 رَوَاهُ مُسْلِمٌ [م] .[2967]

وله: «آذَنْتُ» هُوَ بَمِدِ الْأَلِفِ؛ أَيْ: أَعْلَمْتُ، وَقَوْلُهُ: «بِصُرُّمْ»: بِضمِ الصَّادِ؛ أَيْ: بِانْقِطَاعِهَا وَفَنَائِهَا، وَقَوْلُهُ: «وَوَلَّتْ حَدَّاءَ» هُوَ بِخَاءٍ مُهْمَلٍ مَفْتُوحٍ، ثُمَّ ذَالٍ مُعْجَمٍ مُشَدَّدٍ، ثُمَّ أَلِفٌ مَمْدُودٌ؛ أَيْ: سَرِيعَةً وَ«الصُّبَابَةُ» بِضمِ الصَّادِ الْمُهْمَلَةِ، وَهِيَ: الْبَقِيَّةُ الْيَسِيرَةُ، وَقَوْلُهُ: «يَتَصَابَّحُوا» هُوَ بِتَشْدِيدِ الْبَاءِ قَبْلَ الْهَاءِ؛ أَيْ: يَجْمِعُهَا، وَ(الْكَظِيفُ): الْكَثِيرُ الْمُمْتَلِئُ، وَقَوْلُهُ: «فَرَحَتْ» هُوَ بِفتحِ الْفَاءِ وَكَسْرِ الرَّاءِ، أَيْ: صَارَ فِيهَا قُرُونٌ.

510. Холид ибн Умар ал-Адавий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Утба ибн Фозван бизга хутба қилди. (У Басранинг амири эди). Аллоҳга ҳамду сано айтиб, сўнгра шундай деди: «Аммо баъд. Дунё ўзининг ўткинчилигини билдириб, тезда ортига қайтди. Ундан сув ичилган идишда қолган сув каби қолдиқ қолди. Сизлар ундан заволга учрамайдиган ҳовлига кўчиб ўтасизлар. Шундай экан, ҳузурингиздаги яхши нарсалар билан кўчиб ўтинг. Чунки бизга жаҳаннамнинг лабидан тош ташланса, етмиш йил қуласа ҳам унинг қаърига етиб бормаслиги зикр қилинди. Аллоҳга қасамки, у албатта тўлдирилади. Ажабланяпсизми? Бизга жаннат эшигидаги икки табақанинг ораси қирқ йиллик йўл экани ва у бир кун келиб, тиқилинчдан тўлиб-тошиб кетиши зикр қилинди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бўлган етти кишининг бири эдим. Дараҳт баргидан бошқа егулигимиз йўқ эди, ҳатто оғзимизнинг четлари яра бўлиб кетди. Бир чопон топиб олиб, Саъд ибн Молик билан бўлиб олдик. Унинг ярмини мен, ярмини Саъд изор қилиб олдик. Бугун эса ҳар биримиз бир юртнинг амирига айландик. Ўз наздимда улуғ, Аллоҳнинг ҳузурида эса ҳақир бўлиб қолишдан Аллоҳдан паноҳ сўрайман».

Ином Муслим ривояти.

Шарҳ: Ҳадиснинг давомида қуйидаги жумла бор:

«Аста-секин йўқ бўлиб, охир-оқибат подшоҳликка айланиб кетмаган бирорта нубувват йўқ. Биздан кейин амирларни синаб, тажрибадан ўтказасизлар».

Ҳадисдан олинадиган хуносалар:

- Хутбани ҳамд ва сано ҳамда салавот айтиш билан бошлиш суннат.
- Қиёматнинг яқинлашиши ва дунёнинг завол топиши.
- Исломга аввал кирган сахобалар ва Расулуллоҳ с.а.в.нинг Ислом йўлидаги йўлиққан мashaққатлари, бутун дунёга Исломни ёйиш йўлида оддий овқатлар, ҳатто дараҳт баргини ҳам еб ҳаёт кечиришгани. Мана шу қийинчиликларга сабр қилишгани сабаб Аллоҳнинг амри билан ҳидоят имомлари даражасига кўтарилиб, Аллоҳ мўмин бандаларига ваъда қилган халифа-ўринбосарликни қўлга киритиши.
- Нафс тойилиши ва шайтон алдовига дучор бўлганда Аллоҳ таолога илтижо

[КИЛИШ.](#)

Манба: hadis.islom.uz

